

ТОШКЕНТ ОҚШОМЧИ

28-3-йил чиндиш
МАРТ 1968 й.
ПАИШАНБА
№ 73 (532)
БАХОСИ 2 ТИЯН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетиди

ШАҲАР ОЗОДА ВА ТАРТИБЛИ БЎЛСИН

Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети шу йил 30 мартдан 30 апрелга овоздалик ва санитария ободончилиги бўлигини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Шунингдек, қарорда арктиктура, планлаштириш бош бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Якушев)га бинолар пештоқларини, турли тўсиқларини хархил рангларда бўй, кўча ҳамда майдонларни тематик безаш жихатидан район архитекторларига зарур таъсиллар бериб туриш топширилди.

Ободонлаштириш бош бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Исломов) зиммасига кўчалар, йўллар ва арктик тармоқларни ремонт қилиш ҳамда тартибга келтириш, қорона, ташкилот ва ўқув юртлирини кўчалар билан таъминлаш, агротехника қонсултациялари уюштириш, дарахт бута ва гул ўқолларини ўтказишнинг бориши устидан контрол қилиб бориш топширилди.

Корхона, ташкилот ва ўқув юртлирининг ойликка жалб этилган коллективларига ёрдам бериш учун автомобиллар ва бошқа механизмлар бериштириб қўйилди.

Шаҳар ободонлаштириш ташкилотларининг ходимлари, кўча чиқоқларининг устуналари, йўл ёқаларидаги турли тўсиқлар, хибонлар, бекатлардаги курсиларни бундан тортиб, уларнинг номерлар, кўча номерларини ёзилган тахтачаларни қайта қараб чиқиш ва бу соҳада тартиб ўрнатишлари керак. Шунингдек, шаҳарда турли турман эълонлар, рекламалар, идораларнинг вискелари ва бошқа бадий безакларни ҳам тартибга келтириш зарур.

Жамоат тартибни сақлаш бошқармаси ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими овоздалик ва санитария ободончилиги устидан қатъий контрол ўрнатишлари, бу соҳада жорий этилган тартибни бузувчиларга нисбатан зарур чоралар кўриб боришлари керак.

Владимир Иванович, на оладидан имтиҳон ҳам сизни ва командангизни футбол мавсумининг очилиши билан қизгин табриклимаз.

Савол: «Пахтакор» билан бўладиган қандай мақсадлар қўйилган? Жаовоб: Галаба, албатта галаба қозонишимиз керак, Шунинг учун энг жағовар составда майдонга тушамиз.

Савол: Бу камчилигини йўқотиш учун қандай тадбирлар кўрилади? Жаовоб: Бизда бунинг учун кўп бўлмасида фуракат бор эди. Фуракатдан фойдаланиб, қандайдир жисмоний машаққат ва танити жихатдан анча ишлар қилинди. Бу, ўз навбатида ахши натижалар берди. Фрунзеннинг «Олга» командаси билан бўлган ўртоқлик учрашуви бунга мисол бўлади. Биз матчида 4:0 ҳисобида ютдик.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети шунинг муқаррар қилинган қарорига асосан, СССР Олий Советининг аъзоси, Совет Иттифоқи Қарамонин инженер-полковник Юрий Алексеевич ГАГАРИН самолётда машғулот учини ўтказибётган вақтда авиация фалокати натижасида фожиа ривидида ҳалок бўлди.

Шу авиация фалокати натижасида Авияция қисмининг командири, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси, Совет Иттифоқи Қарамонин инженер-полковник Владимир Сергеевич СЕРЕГИН ҳам ҳалок бўлди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарор қилди:

нов, В. В. Гришин, И. И. Якубовский, А. А. Елишев, К. А. Вершинин, М. В. Кеджид, А. Г. Николаев, М. С. Смиртюков ўртоқлардан иборат ҳукумат комиссияси тuzилсин.

ЭСДА ҚОЛАДИГАН КУН

Кеча қишлоқ аҳли учун эҳтиёт қисмларининг навабдаги партияни қўйилади. Бу кун завод иши, инженер-техник ходимларининг эсда сақланадиган кун бўлиб қолди.

Биринчи марта қисқа муддат ичида 60 миң сўмликдан ортиқ эҳтиёт қисмлари тайёрланганимиз эсда намунимиз, — дейди қорхона иқтисод-план бўлими бошлиғи ва-зифасини бажарувчи А. Загородко. — Бу курсаткич март ойи планига қўшимча равишда 11 миң сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганидан дарак беради.

Эҳтиёт қисмларининг ҳаммаси ағло сортларда тайёрланганини кишини айниқса севинтиради. — Шуниси қувончликки, — дейди ишлаб чиқариш директори Душанбетов. Ана шунинг учун ҳам биз ремонт қилаётган маҳсулотларимиз ҳақида мана 10 йилдан бери рекламанинг олма-пимиз. Бундан кейин ҳам шундай бўлаверди. Чунки, коллективизмизда Савонин, Қосимов сингари ўз касбининг усталари бор экан. ҳеч юзимиз қизармайди.

Тошкент товар станцияси 1-вагон ремонт депосиди М. Душанбетов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг азаматлари зиммадаги топшириқини бажариш йўлида мусобақани қўзғаттилар.

Бригада аъзоларининг жонболлиги туфайли кунига 30—32 та вагон термозларининг қисмлари ишлаб чиқарилади.

— Сифаткор хона шўҳрати, бунинг ҳаммаси тушунамиз, — дейди бригада бошлиғи



МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ

Ўртоқ Душанбетов. Ана шунинг учун ҳам биз ремонт қилаётган маҳсулотларимиз ҳақида мана 10 йилдан бери рекламанинг олма-пимиз. Бундан кейин ҳам шундай бўлаверди. Чунки, коллективизмизда Савонин, Қосимов сингари ўз касбининг усталари бор экан. ҳеч юзимиз қизармайди.

ни айтди. Чиндан ҳам бу ерда топширилган вазифага масъулият ҳисси кучлидир. Шу туфайли план доимо ошириб, сифатли адо этилади.

Ремонтчилар беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли ўриштириш мақсадида бир гайратга ўн гайрат қўшиб меҳнат қилишабтир.

2-тикув фабрикаси 2-цехининг чевар тикувчи-си, коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси Хурсана Жалилова ва олий топшириқларини 140—150 процентга адо этмоқда.

СУРАТДА: Х. Жалилова.

ШАҲРИМИЗ

СЎЛИМ ХИЁБОНЛАР

Киров районининг қайси бурчага борманг, яхши ният билан ниҳол эвабтаг кишиларни кўрасиз. Бу ишда район коммунал хўжалик бўлими ходимлари ва кенг жамоатчилик фаол қатнашмоқда.

«Спутник» кинотеатри қаршида, «Победа» истироҳат боғи қаршида мингдан ортиқ атиргул иши уриб турибди.

Семашко номида шифохона қаршида (Анҳорнинг «чаш томониди») 3 гектарга яқин ер сўлим хибонга айланттирилиб, ўрилдиқлар қўйилди. Энгелс кўчасининг Анҳор билан туташадиган ерида ҳам янги гулаор ташкил қилинди.

Нарз Марос маҳалласида 1,5 гектар ер ариштириб 6 миң туп дарахт қўйиш, 7 миң туп атиргул, яшил тўсиқлар ўқилад. Булардан ташқари Уста Ширин, Тимирязев, В. Маласов, Энгелс, Ватуми, Кисло, водек кўчаларида жамоатчилик асосида мевозор арчазор, гулаорлар барпо қилинмоқда.

— Аниқса, Кубань, Свердловск, Челябинск, Ярославль қурилиш поёзларини ниҳолсизга етказган 4 қаватли бинолар оралиғида ўндан ортиқ янги хибонлар ташкил қилинмоқда. — дейди район ободонлаштириш бўлимининг бош агрономи С. Андромов. Бу йил районда 46 миң мевали дарахт қўчат, 13,800 туп атиргул, 720 миң туп турпан майда гул, 5 миң туп терак, тоз ва минглаб туп манзарали дарахт қўчатлари экилади.

Мутахассислар Кўпаймоқда

Пойтахтимиздаги қишлоқ хўжалик техникуми етиштирибган кадрлари беш республикамиздаги наас, балки Урта Осиё республикалари ва Қозғоғистонда ҳам обрў қозонмоқда.

Утган йили бу илм даргоҳини 298 студент битирган бўлса, кунмиқча яна 431 студент ҳаётга кўнлама олди.

Техникум агроном, агрономлик ўқиткичларини муҳофаз қилувчи, ер тузувчи, ўрмон техниклари каби мутахассислар тайёрлайди.

Техникумин битирган ҳар бир студент ўз соҳаси бўйича трактор, машина бошқаршини ҳам эгаллаган.

Бу йил техникумин муваффақиятли тамомлаган М. Зурарова, Р. Каримов Тошкент об-ластинда, Н. Олимжонов, А. Хушвақтов Қашқадар об-ластинда, М. Таштемиров, М. Эргашев Фарғона об-ластинда, Х. Мамасолиев, Ш. Хоназаров Сурхондар об-ластинда, А. Ҳамдамов Самарқанд об-ластинда ишлаш истагини билдириб, техникум йўлнамаси билан иш жойларга жўнаб кетдилар.

А. М. ГОРЬКИЙ ХОТИРАСИ

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлари 27 мартда, улу пролетар ёзувчиси А. М. Горький тутилган кунининг юз йиллиги арафасида совет адабиётининг асосчиши дафни этилган Кремль деворини гилувламбар қўйдилар. Гулаамбар ёзилган: «КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва

ҲУРШИД МАҲАЛЛАСИДА

«Бешқайрағоч» даҳа мевали дарахт қўчатларида 20 ва 21-кварталларда жойлашган Хуршид номи маҳалла меҳнаткашлари кўча ва ховлиларини ободонлаштириш борсиқда мақтовга сазовор ишларни олиб бормоқдалар. Бу ерда маҳалла комитетининг раиси Раҳматулло ота Нурмухамедов бошлиқ хашарчилар маҳалла идораси биндаги кенг майдонда оромгоҳ барпо этмоқдалар.

Булажак боққа, олма, мевали дарахт қўчатлари ўтқазилди.

МУТАХАССИСЛАР КЎПАЙМОҚДА

Пойтахтимиздаги қишлоқ хўжалик техникуми етиштирибган кадрлари беш республикамиздаги наас, балки Урта Осиё республикалари ва Қозғоғистонда ҳам обрў қозонмоқда.

Утган йили бу илм даргоҳини 298 студент битирган бўлса, кунмиқча яна 431 студент ҳаётга кўнлама олди.

Техникум агроном, агрономлик ўқиткичларини муҳофаз қилувчи, ер тузувчи, ўрмон техниклари каби мутахассислар тайёрлайди.

Техникумин битирган ҳар бир студент ўз соҳаси бўйича трактор, машина бошқаршини ҳам эгаллаган.

Бу йил техникумин муваффақиятли тамомлаган М. Зурарова, Р. Каримов Тошкент об-ластинда, Н. Олимжонов, А. Хушвақтов Қашқадар об-ластинда, М. Таштемиров, М. Эргашев Фарғона об-ластинда, Х. Мамасолиев, Ш. Хоназаров Сурхондар об-ластинда, А. Ҳамдамов Самарқанд об-ластинда ишлаш истагини билдириб, техникум йўлнамаси билан иш жойларга жўнаб кетдилар.

ЯХШИ ИШНИНГ ҚАНОТИ БОР

Ташаббускорлар изидан

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Шаҳар қорхона ва муассасалари беш-кунлик иш ҳафтасига ўтганлиги мусобақати билан Октябрь райониди «Октябрь 40 йиллик» маҳалла аҳолисининг барча тош, кентликларга мурожаат шу райондаги бизнинг «Кизил Ўзбекистон» маҳалла комитети ва унинг аҳолисига ҳам тааллуқлидир.

Маҳалла комитети, аввало келажакнинг — фарзандлар қайида қайғурди. Ҳашир йўл билан қурилган пешайвонли катта клуб, минин бошлангич синф ўқувчиларига ҳада эдики. Район халқ маориф бўлими мазкур ўқув йилинда синф қонларини 4 тага оширди.

Эндикда бошлангич синф ўқувчилар учун икконтар нардига 111, мактабга автобусда қатнамай, ўйларини бинда сабоқ олмоқдалар.

Маҳаллада очилган мадунтилар 10-шаҳар касалхонаси шифохона, лари вақти-вақти билан набатчи, лик қилиб туришди. Маҳалла комитети учун ички хонали идора очилди. «Мухбир», «Талант» нуқчаларида мевали дарахтлар яшнаб турибди.

Утган йили маҳаллани ободонлаштириш юзасидан маҳаллада замонавий озмиқват магзини қуриштирилди. Енма-ен санаят моллари магзини ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси маҳалла меҳнаткашларининг моддий-маънавий турмушларига ва маданий ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилмоқда.

Маҳалла комитетининг ҳар бир актив зиммасига тегишли ишлар таъсирлаб берилган. Оқсоқлар, хотин-қизлар совети; халқ кўнглили дружинаси ва ободонлаштириш ишларига эътиборли пенсионерлар ва хизматчилар жамоатчилик асосида бошчилиқ қилмоқдалар.

Ҳар йили кўнлама маҳалла агрономларини тозалаш ва ободонлаштириш юзасидан шабна ва яншабанлилар ўтказиш одат туриши кириб қолган. Автобус қатнов йўлини ва жар устиди қатнаш илпирини тузатишдаги ишан-балинда маҳалла аҳолиси актив қатнашди.

Комсомол аъзоси Л. Гусева тринотаж фирмаси тўйиш-йўғириш цехининг беш зарбдор ишчиларидандир. Беш йиллик топшириқларини муддатдан илгари бажаришга аҳд қилган бу тузувчи қиз топшириқларини ортиги билан бажариб сифатли маҳсулот топшираётир.

СУРАТДА: Л. Гусева

Чиндан ҳам «Октябрь 40 йиллик» маҳалла активларининг мурожаатида таъкилотчилиги ва ташаббускорлик роли ҳар қачонгидан ҳам ошди. Биз бунга талнин аҳолининг маданий дам олишини ташкил қилиш, юксак турмуш маданияти учун курашда ақоли билан бамаслаҳат янги тадбирларни белгилаймиз.

О. АЛИХУЖАЕВ, «Кизил Ўзбекистон» маҳалла комитетининг раиси.

АЙНИ МУДДАО

Мен районимиздаги «Октябрь 40 йиллик» маҳалла аҳолисининг тошкентликларга мурожаатини ўқиб чиндим. Мурожаатда айтилган барча фикр ва мулоҳазаларни табириқлаш керак.


Чиндан ҳам ҳар бир тадбир қўнчилик билан амалга ошди. Бунинг учун маҳаллалар қўнчи бўлиши билан бирга истаган шароитини яратиш мумкин.

Бизнинг маҳалла комитети аъзолари ҳозирда аҳолининг истак ва хоҳишларини ўрганишга киришдилар. Яқин кунларда аҳолининг ички қўнлик дам олишини маъмули ўтказиш ҳақида қонкрет тадбирлар ишлаб чиқиш, уни амалга оширишга бел боғлаймиз.

Р. И. ИСЛОМОВ, Октябрь районидида Свердлов номида маҳалла комитетининг раиси.

МИНУТЛАР ҚАДРИ

Луначарское шоссе-нинг Шайхёрлар уйи бекатидagi 43 квартиралар уй ўзгаларига мух- тазир.



ДУШАНБА. В. Куйбишев ҳайкали. Уйда В. И. Ленин проспектидаги янги уй-жой бинолари. Н. Акимов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

МЕХНАТ АВЖИДА

Украинлик қардошларимиз ҳамшаҳарларч- миға 160 минг квадрат- метр ҳажмида уй-жой би- нолари қуриб баришди.

Партия ходимлари минбари

ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН

Беш кунлик иш ҳафта- сига ўтилганлиги муносабати билан меҳнатқашларнинг ўз бўш вақтларидан тўғри, оқилона фойдаланишини, кўнгилли дам олишини уюштириш масаласи Кирова район партия ташкилотлари олдинга кўпгина янги ва мураккаб проблемаларни қўйди.

Меҳнатқашларга уларнинг турар жойлари- да хизмат кўрсатиш учун «Победа» маданият ва истироҳат боғи ва Крувская номли кутуб- хона қошида Октябрь ўқишлари бўйича ўн лекторий ташкил этилди.

«Победа» истироҳат боғи район меҳнатқаш- ларининг сеvimли дам оладиган жойидир. Боғда турли тадбирларни ўтказиш учун кат- та имкониятлар бор.

УНУТИЛГАН ВАЗИФА

Тошкент доғоз комбинати ҳам беш кунлик иш ҳафта- сига ўтганига анча вақт бўл- ди. Бироқ бу ерда ишчи ва хизматчиларнинг дам олиш кунларини ўтказиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Завод клубида кинофильм- лар намойиш қилиниб, од- дагонда лекция ўқилади, хо- лас. Бадий ҳаваскорлик тў- рағида янги 15-18 йил- ли қатнашади.

ПЕДАГОГ

МИНБАРИ

ДИЛДА БУЛСА...

Адабиёт фанидан дарс бе- риш сирдан қараганда осон туялса, унинг ўзиға эсо му- рақабалиги бор. Муаллимнинг вазифаси азувчининг асарини уш-у, ўқувчиға баҳо қўйиш эмас, масъулиятни чуқур ан- глаш, узадиға билимини ишға солиб, маҳоратини ёш авлод онига санъатнорача сингад- риш боришдан иборат экан.

БУРИЛИШ ЮЗ БЕРДИ

Илгари бу бригада 5-цехдаги энг қолоқ коллектив ҳисобланган. Бригадаға Хайдар Музаффаров бошлиқ бўлди-ю, ишда бури- лиш юз берди.



СУРАТДА: Тошкент ремонт-анксаватор заводи эксаваторлар, йиғиш участкасининг йиғу- чи слесари Н. Гауалин. 14 йилдан бери шу заводиға муносиб меҳнат қилганган бу ишчиға яқинда коммунистик меҳнат зорбарони номи берилди. М. Нуридинов фотолари.

28 МАРТ, 1968 Й.

ойдин йўл

Кейинги пайтларда корхона йи фойдаланиш масалаларини бош иккенири, баъзи вақтларда директори хонасида, цехларда тез- тез суҳбатлар ўтказадиган бў- либ қолди. Бу ерға тўплаган ишчи, инженер-техник ходимлар завод коммунистарининг янги иктисодий ислоҳот, унинг эконо- микасини янада юксалтиришға қўшадиан бениҳоя роли ва аҳа- мияти тўғрисидаги суҳбатларини мароқ билан эшитиб, кейин шу тўғрида уларнинг тўқнашларини мароқ билан муҳоказаларини ўр- таға ташлар эдилар. Завод бош иккениери В. Береговский, меҳ- нат ва иш ҳақи бўлимининг ик- кениери В. Краснова, инженер-технолог А. Макаров ва бошқа ўртоқларининг суҳбатлари ишчилар ўртасида катта қизиқиш тугдир- ди. Бу — заводнинг янгича сис- темға ўтиб ишлаш йўлида қил- ган ишлари деб ҳисоб этилади.

Иқтисодий ислоҳот арафасида

майтиришға қаратилган эди. За- воднинг асбобозлик цехидаги битта участкасида бу йил меҳнат илмий асосда ташкил этилди. НОТ планининг келтирилган йиллик фойдаси 4,5 минг сўмни ташкил этиб, меҳнат унумдорли- гининг 3,5 процента ошувини таъминлаш кўзда тутилган.

— Ҳайронман, қизим жуда кўп ўқийди, уйимиздан кутуб- хона китоблари аринмайди. Кун- да-дунора китоб олиб кела- ди...—деди оналарнинг бири куйиниб.

26 МАМЛАКАТГА

«Узбексельмаш» заводининг «СЧХ-4-А-1» жарғали сезилмасдан 30 тана Ку- ба республикасини жўнатилади. Оқолдин оролининг пахтакорлари шу йилнинг ўзида 90 та соляк олдлар.

А. НОСИРОВА, 204-мантаба ўқитувчиси.

